10.5.98

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 21 март Шанба.
№ 22 (144115)

## НАВРЎЗ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК!

## «МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЕТТИ БАҲОРИ»

Наврўз байрами арафасида Тошкентда талабалар ва аспирантларнинг шундай шиор бўйича республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташкил этган бу тадбирда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида шу мавзуда ўтказилган конференциялар якунлари бўйича энг яхши деб эътироф этилган асарлар муаллифлари - ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг жамиятимизнинг барча соҳаларида юз берган ўзгаришлар маърузаларнинг асосий мавзусини ташкил этди. Талаба ва аспирантлар ўз тенгдошларига мамлакатимизда иқтисодиёт, сиёсат, маданият соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида сўзлаб бердилар. Ёш тадқиқотчилар ўз маърузаларини Президентимиз Ислом Каримов асарлари, ҳукумат қарорлари ҳамда республика қонунларига асосланиб тайёрлаган.

Бўлажак мутахассислар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётганини пухта таҳлил этиб, демократик, ҳуқуқий давлат қуриш, Ўзбекистон жаҳон бозорига қўшилишининг турли жиҳатларини кўриб чиқдилар. Ҳозирги пайтда республикамиз жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб тургани, мамлакат раҳбариятининг сиёсати халқаро майдонда юксак обрў топгани алоҳида таъкидланди.

Анжуманда ватанимизнинг келажаги кўп жиҳатдан ёшларга, уларнинг амалга оширилаётган янгиланиш жараёнларидаги иштирокига боғлиқлиги айтиб ўтилди. Шунинг учун ҳам кадрлар тайёрлаш, ёшларни мустақиллик ғоялари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта эътибор берилмоқда.

Талаба ва аспирантлар ишларини етакчи олимлар ҳамда турли соҳаларда меҳнат қилаётган мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолади. Энг яхши деб эътироф этилган маърузалар муаллифига пул мукофотлари ва қимматли совғалар топширилди.

Конференция тугаганидан сўнг республикамизнинг барча вилоятларидан келган анжуман иштирокчилари учун байрам либосига ўралган Тошкент бўйлаб экскурсия уюштирилди.



## "СИМЛАР КЎТАРОЛМАС СОҒИНЧЛАРИМНИ"

**Ўзбек халқининг фахри бўлган фазогир Солижон Шарипов билан сим орқали мулоқот.**

***Улуғ айём кунида фазогирлар шаҳарчаси Звёзднийда яшаётган миллатдошимиз Солижон Шарипов билан суҳбатлашгимиз келди...***

**-- Алло, Солижон, яхшимисиз. Соғлиқларингиз қалай? Сизни "Туркистон" таҳририятидан безовта қиляпмиз.**

-- Раҳмат. Бемалол гапираверинг. Сизни жон деб эшитаман.

**-- Солижон, аввало, Сизни ва оила аъзоларингизни Наврўз айёми билан бутун таҳририятимиз, қолаверса, республикамиз ёшлари номидан табрикламоқчи эдик.**

-- Раҳмат.

**-- Сиз эришган ютуқлар халқимизнинг буюк қудратга эга эканини яна бир бор исботлади. Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби улуғ аждодларимизнинг орзу-ҳавасларини рўёбга чиқарганингиз муборак бўлсин!**

-- Самимий сўзларингиз, тилакларингиз учун раҳмат. Мен ҳам ўз навбатида, Сизни ва Ўзбекистонлик дўстларимизни ўзим ва оила аъзоларим номидан байрам билан чин дилдан муборакбод этаман!

Худо хоҳласа, апрель ойида Тошкентга бориш ниятим бор. Ўшанда бемалол гурунглашсак керак, деб ўйлайман.

**-- Москвада сумалак қилиш ниятингиз йўқми?**

-- Жон-жон деб қилган бўлардим, аммо ҳозирча бунинг иложи йўқ. Рост гапини айтсам, Наврўзни, юртимиз тупроғини, яқинлар дийдорини шунчалик соғиндимки, бу соғинчни симлар кўтара олмаса керак.

Яқинда отам, опам ва бошқа қариндошлар келган эди. Улар билан фазогирлар шаҳарчасида, қисмимизда катта учрашувлар бўлди. Отамни кузатиш куни Ўзган девзирасидан катта ош дамланган эди. Ўша куниёқ Наврўзни оиламиз даврасида палов қилиб, эзгу ниятлар билан кутиб олишни ўйладим.

"Туркистон" орқали Ўзбекистонлик ёшларни Наврўз байрами билан табриклаб қўйинг. Улар мустақилликнинг, ёшлик дамларининг қадрига етишсин!

**Қ.ТЕМИРОВ**

## МИЛЛИЙ ЭСТРАДА РАВНАҚИГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси мажлисида сўзлаган нутқида миллий санъатимиз, хусусан, эстрада санъатини янада ривожлантириш муаммоларига эътиборни жалб этган эди. Ўзбекистон бастакорлар уюшмасида ўтказилган ижодий мулоқот айни шу мавзуга бағишланди. Унда уюшма аъзолари, Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» концерт-гастрол бирлашмаси ходимлари, мусиқашунослар, хонандалар иштирок этди. Уни бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев бошқарди.

Мулоқотда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Энмарк Солиҳов, Халқ артистлари Сайфи Жалил, Фаррух Зокиров, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Дилором Омонуллаева, Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Отаназар Матёқубов,»Ўзбекнаво» Бош директори Анор Назаров, Тошкент давлат консерваторияси ректори Равшан Юнусов ва бошқалар сўзга чиқиб, миллий эстрада қўшиқчилигини ривожлантириш борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, кейинги пайтларда саҳналарда, концерт залларида бирмунча саёз эстрада қўшиқлари пайдо бўла бошлади. Баъзи ҳаваскорлик гуруҳлари дастурларида бошқа халқлар оҳангларидан кўр-кўрона кўчириб олиш ҳоллари учрамоқда. Айрим ёшлар эстрадани энг осон ва енгил жанр деб ўйлайди. Ваҳоланки, ҳар қандай қўшиқ қачонки тингловчининг қалби ва онги, маънавиятига мос келса, юксак маҳорат билан ижро этилсагина машҳур бўлади. Авваламбор, шеър юқори савияда ёзилган бўлиши керак. Миллий руҳ сезилиб турган қўшиқларгина дилга ёқади.

Бу борада, деб таъкидланди мулоқотда, миллий кадрлар тайёрлашга эътиборни кучайтириш лозим. Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида икки йил муқаддам эстрада бўлими очилган эди. Бу ерда ёш созандаю хонандалар ўзбек эстрадаси ютуқлари, жаҳон эстрадаси тажрибасини ўрганяпти. Ана шу ёшларга кўпроқ ғамхўрлик қилиш лозим.

Давра суҳбати қатнашчилари Бастакорлар уюшмаси қошида кенгайтирилган эстрада кенгаши тузишга қарор қилдилар. Ёш эстрада хонандалари учун семинарлар ташкил этиш, энг яхши эстрада қўшиқлари фестивалини ўтказиш тўғрисида келишиб олдилар.

**Б.МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири**

## БАЙРАМГА УЧ МИЛЛИОН СЎМЛИК ЮТУҚ

Наврўз наманганлик Камолхон Раҳимовга ажойиб совға ҳадя этди: юз сўмга сотиб олинган лотерея билетига уч миллион сўм ютуқ чиқди. Бу - 1998 йил 1 мартда бошланган «Оила қувончи» лаҳзалик лотереясининг энг катта ютуғи.

Лотереяни Ўзбекистон Халқ банки Оила йили шарафига ташкил қилган эди. У ўз номини тўла оқлаб, ҳозирнинг ўзидаёқ кўп оилаларга қувонч келтирди: ҳар уч лотерея билетидан биттасига ютуқ чиқиб турибди.

**Н.ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

## "КАМОЛОТ" ЯНГИЛИКЛАРИ

Яқинда "Камолот" жамғармаси Беруний туман бўлими Наврўзга бағишлаб "Балли, йигитлар" кўрик-танловини ўтказди. Танловда туман ҳунар-техника лицейи, 51, 36-ўрта мактаблар ўқувчилари қатнашди.

Қизиқарли ўтган тадбирда Беруний ҳунар лицейи толиби Икром Ҳабибуллаев ва 51-ўрта мактаб лаборанти Қаҳрамон Ортиқовлар фахрий ўринларни эгаллашди.

Шу куни "Беруний" кинотеатрида ёшлар учун байрам тантанаси бўлиб ўтди.

**А. РАЖАПОВ,**
**"Камолот" жамғармаси**
**Беруний туман бўлими раиси**

* * *

"Камолот" жамғармаси Тошлоқ тумани бўлими ташаббуси билан 22-касб-ҳунар мактабида донгдор пахтакор, Ўзбекистон Қаҳрамони Комилжон Мамажоновнинг ёшлар билан "Биз Қаҳрамонни эъзозлаймиз" мавзусида учрашуви бўлди. Унда К. Мамажонов йиғилганларга ўзининг мазмунли меҳнат фаолияти ҳақида гапириб, ўқувчи ёшларни яхши ўқишга, касб-ҳунарни пухта эгаллашга даъват этди.

Учрашувда туман ҳокимлиги хузуридаги вояга етмаган ёшлар билан ишлаш мутахассиси А. Юсупов, туман тиббиёт бирлашмаси шифокори Р. Нишоновлар қатнашиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликнинг ёшлар аҳлоқига салбий таъсири, дин ва виждон эркинлиги, йўл ҳаракати қоидалари ҳақида суҳбатлашдилар.

Бу ҳамкорликдаги учрашувдан ўқувчи ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига тўлиқ жавоб олдилар.

**Т. АБДУЛЛАЕВ,**
**"Камолот"жамғармаси**
**Тошлоқ тумани бўлими раиси**

### СПОРТ

## Ғалабаларимиз - Наврўзга ҳадямиз

Қозоғистонда 198О-85 йилларда туғилган ёшлар ва ўсмирлар ўртасида кикбоксинг бўйича республика очиқ биринчилиги ниҳоясига етди. Унда Ўзбекистон, Туркманистон ва Қозоғистоннинг 46О спортчиси иштирок этди. Мусобақада мамлакатимиздан «Биллур» спорт клуби вакиллари қатнашди.

- Ўсмирлар мусобақасида биринчи марта шу қадар кўп спортчи иштирок этди, - дейди «Биллур» клубининг мураббийси, халқаро тоифадаги спорт устаси Акмал Зокиров. - Шунинг учун ҳам мусобақа жуда қизғин ва қизиқарли бўлди. Қозоғистондан энг кучли спортчилар иштирок этди. Шунга қарамай, 4О спортчимиздан 2О нафари медал билан қайтди - биз 7 та олтин, 6 та кумуш ва 7 та бронза медални қўлга киритдик.

Шуҳрат Расулов, Козим Олимжонов, Данил Мушинский, Вячеслав Шишкин, Салоҳитдин Тойматов, Камолиддин Каримов ва Илҳом Ғўзабоев олтин медал соҳиби бўлди. Спортчиларимиз ўз ғалабаларини бизнинг Наврўз байрамига ҳадямиз, дейишмоқда.

**ЎзА**

### Халқ ва тарих

## БАЗМИ ЖАМШИД

**Тилимизда "базми Жамшид" деган бирикма бор. Бу кўп қадим тушунча. Бугун унинг аҳамиятли томони шундаки, унинг тарихи бир жиҳатдан Наврўз байрамининг пайдо бўлишига боғланади.**

### ЖАШН

Ўзбек тарихининг XV асргача бўлган бирон-бир жиҳати йўқки, у ҳақда Алишер Навоий асарларини четлаб ўтиб гапириш мумкин бўлса. Ҳамонки, Наврўз талай машриқзамин халқларнинг байналмилал ва бизга қадим аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган байрами экан, ота-боболаримизнинг Навоий давридаги бу байрамга муносабати ҳар биримизни қизиқтирса керак. XV аср ўзбек қомуси янглиғ бой сарватимиз -- Алишер Навоий ижодида бу муносабат тўлатўкис аксини топган.

Навоий асарларида Наврўз фақат бадиий тасвир воситасигина эмас. "Тарихи мулуки Ажам"да Наврўзнинг илк марта таъйин этилиши ҳақида муҳим маълумот бор.

Асарнинг "Бугунги табақа -- пешдодийлар" деган дастлабки бобида тилга олинган учинчи подшоҳ -- Жамшид. У эрамиздан бурунги шоҳлардан. Навоийда келтирилган тартиб бўйича айтадиган бўлсак, Жамшиддан то Искандаргача яна ўн беш подшоҳ ўтган.

Жамшид адолатпеша, янгиликка ўч, яъни ихтиропарвар ҳукмдор бўлган. Уни Навоий, жумладан, шундай таърифлайди: **"Чун салтанатқа ўлтурди, жаҳон мулкин адл ва дод била тузди. Ва ҳусну жамолда дилпазир ва фазлу камолда беназир эрди. Ғариб ихтиролар қилди. Ва ул жумладин сипоҳийлик аслаҳасидурким, пайдо қилдиким, андин бурун тош ва йиғоч эрди. Синон ва ҳарба ва пичоқ, баъзи ҳабба ҳам дебтурлар, қалқон ҳам дебтурларким, ул ясади. Ва ҳаммом бино қилди ва ғаввослиғ хаёл қилди. Ва ипак ва қазз (хом шойи -- М.Х.) ва кўпрак тўқур нималарни ва рангларни ва ишларни арога киюрдиким, андин бурун киши аросида йўқ эрди. Ва шаҳрдин шаҳргача деҳлар буюрди ва ҳейли ишга қонун ва қоида қўйди. Ва Истаҳр шаҳрин улғайтти, андоқки тули Хуфракдин Ромжарралқа еттиким ўн икки йиғоч бўлғай ва арзи ўн йиғочқа етти. Ва анда улуғ биное солдиким, ҳоло осори ва нишонлари борким, одамизод андоқ ясамоқ маҳол кўрунурким, киши кўрмагунча бовар қилмас. Ва ани Чиҳил минор дерлар. Чун бу иморат** туганди, олам салотин ва ашроф ва акобирин йиғиб, анда азм жашн қилди."

Бу парча кўпчиликка шарҳсиз тушунилмаслиги ҳам мумкин. Айтилмоқчики, Жамшид ана шу улуғ бино, яъни Чиҳил минор (Қирқ минор) деб аталган иморат қурдириб, унинг битиши шарафига олам подшоҳлари, мўътабар ва улуғ кишиларини чақириб, катта байрам -- жашн ташкил этди. Чиҳил минор харобалари Навоий давригача сақланган экан. Муҳим жойи шундаки, ўша иморатнинг битиши баҳорги эътидол, яъни кун билан туннинг баробар бўлишига тўғри келган: "Ул вақтким Қуёш нуқта эътидоли рабиийға таҳвил қилиб эрди, ул бинода тахт устига ўлтуриб, адолат сайт ва садосин оламға мунташир қилди ва ул куннинг отин Наврўз қўйди".

Демак, ўша буюк иморатнинг очилиш маросими ўтказилган кунни Наврўз деб атади ва шундан буён ана шу баҳорий эътидол янги йил байрами тарзида нишонланадиган бўлди.

Наврўзнинг Жамшид тарафидан жорий этилган байрам эканини Шарқнинг Навоийдан бошқа муаррихлари ҳам қайд этадилар.

Умуман, Наврўзни янги йил сифатида тантана қилиш анъанаси қадимдан кучли тараққий этган эди. Мана ҳозир янги йил, яъни арча байрамларида европача одатлар бўйича қорбобою қорқиз иштирок этади. Баъзан янги йил тимсолида бир ёш бола ҳам саҳнага чиқади. Ана шу - ёш боланинг янги йил тимсолида намоён бўлиши эроний анъаналарда мавжуд эди. Е.Э.Бертельснинг Кисравий қаламига мансуб "Китоб ул-маҳосин ва-л-одот" асарига таяниб маълумот беришича, қадимий Сосонийлар саройида Наврўз тантанаси куни бир ёш бола янги йил тимсолида шоҳни табриклар, исмининг "Хужаста" эканини айтиб, унга: "Мен билан янги йил бошланади. Мен шоҳга кўп хушхабарлар, тинчлик,, осойишталик ва кўп баракотлар олиб келдим",- дер эди. "Хужаста" -- яхши, саодатли, бахтли деган маъноларни билдиради.

Наврўз қадим ул-айёмдан халқнинг эзгу туйғуларини ифодалашнинг ажиб воситаси

**Меҳр истади чун ҳамал фароғи,**
**Дашт узра бутар қўзи қулоғи.**

Демак, қуёш ҳамал буржида фароғат қилишни истаганда, яъни Наврўз дашт узра кириб келганда қўзи қулоғи униб чиққандек бўлар экан. Наврўз айёмидаги табиат тасвири чизилган байтлар ичида:

**Тун-кунни қилур бинафш сизғон,**
**Кофр ила мушкдин соқизғон, --**

деган мисралар бор. Шу биргина байт бадиий баркамоллигига қойил қолмай илож йўқ. "Бинафш", яъни бинафша осмон рангида очиладиган гул. "Сизғон" -- чизган дегани. Хўш, "бинафша чизган" деганда шоир кимни кўзда тутган? Албатта, бу дунёни тузган Эгамни. Чунки "бинафш" бу ерда кенг оламни -- кўкни англатиб келган истиора. Демак, ана шу кўм-кўк осмоннинг суратини чизган "рассом" тун билан кунни кофур билан мушкдан зағизғон, яъни зоғча қилади. Зоғчани биламиз: ҳаммаёғи оқу қора қуш. Кофур -- камфара, у Шарқ мумтоз адабиётида оқ рангнинг рамзи бўлиб келади. Мушк эса кийикнинг киндигига тўпланадиган қоп-қора рангли хушбўй модда, ўтмиш шеъриятимизда у қора рангнинг рамзи. Шоир фалакни бинафшага ўхшатишдан ташқари Наврўздаги эътидол, яъни тун билан куннинг тенг келишини оқу қора ранглари аралаш зағизғонга қиёс этади.

Навоий шунчаки табиат гўзаллигига маҳлиёлигини баён этишга берилиб кетмайди, ўша тасвирлар замирида аниқ мақсад ётади, яъни бобда баён қилинажак воқеаларга ишоралар бор:

**Ҳар қушқина жуфти бирла пуржўш,**
**Ҳампар бўлур учса, қўнса -- ҳамдўш.**

Яъни: ҳар бир қуш Наврўз келганидан кейин ўз жуфти билан жўш уради, учса - қанотларини бир-бириникига теккизиб учади, қўнса тўшма-тўш, яъни кўкракларини кўкракларига теккизиб ўтиради. Нозик фаҳм шеърхон олдиндан ҳис қиладики, бу бобда Лайло билан Мажнун дийдор кўришса керак. Айтмоқчи, Наврўзда халқ ғаму ҳасратини кўнгилдан қувиб, саҳроларга, боғу бўстонларга сайрга чиқади ва жайран қўзисини кабоб қилади:

**Ҳар хайлки рафъ этиб надамни,**
**Саҳро сори қўйсалар қадамни,**

**Чун азми шароби ноб этарлар.**
**Жайран қўзисин кабоб этарлар.**

бўлиб келган. Тилимизда "базми Жамшид" деган тушунча ҳам ана ўша афсонавий подшоҳ Жамшид давридан қолиб келаётган ибораладан бири эканини инобатга олсак. Наврўз ҳам ўша жашни Жамшиддан буён тантана қилинаётган байрам экани ойдинлашади.

### НАВРЎЗ БАҲОНА-Ю, ДИЙДОР -- ҒАНИМАТ

"Лайлову Мажнун"нинг 12-боби Наврўз байрами муносабати билан сайри боғ этганда Мажнун билан Лайлонинг хуфиёна учрашуви, бунда Лайло ишқидан Мажнуннинг ҳушдан кетмаги, бу гапдан эл хабар топмасин, деб Лайлонинг Мажнунни икки канизига қолдириб, қабила сари кетмаги ҳақида ҳикоя қилинади. Боб шундай бошланади:

Наврўз байрамида саҳрою боғу гулшан аро таралиб кетган эл орасида Лайло билан Мажнун ҳам бор! Лекин халқдан уялганидан улар бир-бирига қарай олмайди, ўзаро сўзлашолмай -- сирлашолмай изтиробда. Боғ кенг эди, халқ эса ёйилиб кетган, дарахтлар ғуж-ғуж бўлган жойлар ишқ аҳлига элдан яшириниш учун зўр бир парда. Лайло сайр этиб юриб шундай бир чаманзорга етадики, унинг ичига кирган киши кўринмай қолади. Ногоҳ ана шу чаманзор ичида зор йиғлаб ўтирган Мажнунга дуч келади:

**Кирмиш эди анда Қайси ғамнок,**
**Гул янглиғ этиб яқосини чок.**

**Ўз ҳолиға зор йиғлар эрди,**
**Бесабру қарор йиғлар эрди.**

Шунда маъшуқа ошиқдан: "Наврўз шамоли эсган шундай шодиёна кунда ҳамма хурсанд-у, сен нега ғамноксан?" -- деб сўрайди. Шоирнинг Лайло тилидан айтишича, Наврўзда одамлар байрамни шодиёналик билан ўтказиш учун боғу гулшан аро сайрга чиққанлар, қолаверса, бу сайр уларнинг мушкулларини осон қилишига умид боғлаганлар:

**Бу дамки эсиб насими Наврўз**
**Гул атрини қилди мажлисафрўз.**

**Боғ ўлди баҳордин гулафшон,**
**Сунбул бу гул узра кокулафшон.**

**Бу фаслда азми гулшан эттай,**
**Бўстон ҳарамини маскан эттай.**

**Бор онинг учунки шод бўлғай,**
**Ҳар бандиға бир кушод бўлғай.**

Демак, ота-боболаримиз йилнинг биринчи кунини яхши, шоду хуррам ўтказиш йилнинг яхши келишига замин бўлади, деб ишонганлар.

Бу ерда шуни қайд этиш керакки, гарчи "Лайлову Мажнун" араб халқи ҳаётидан олиб ёзилган асар бўлса-да, Навоий Лайло ва Мажнунни XV аср ўзбек қизи ва йигити тарзида тасвирлаган. Воқеаларнинг араб саҳроларида, арабий қабилалараро кечиши шаклан қатъий сақланган. Бироқ моҳиятан, кўриб ўтганимиздек, шоир ўзи мансуб халқнинг -- XV аср ўзбегининг талай урф-одатларини сингдириб юборган. Наврўзни нишонлаш удуми ҳам ана шундай соф миллий удум эди. Чунки Наврўзни тантана қилиш араблар учун хос одат эмас.

**Мурод ҲОШИМОВ**

